



## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАКДИМ ЭТАМИЗ

### БОҒЧАГА ТЎЛОВ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори билан Мактабгача тарбия болалар мусассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатдан ўтказилди).

Низом давлат бюджети маблағлари ҳисобига молия лаштириладиган мактабгача таълим муассасалари ва интернатларга татбиқ этилади, кўйидагилар бундан мустасно: футбол бўйича мактаб-интернатлар, турли касалликлар билан касалланган болалар, кам таъминланган оиласалардаги болалар, етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар учун мактаб-интернатлар. Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилмайдиган мактабгача таълим муассасалари ва интернатлар таъминотига маблағлар мидори ва пул тўлаш тартиби эса уларнинг муассислари томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасалари билалар ва интернатлардаги тарбияланувчилар таъминоти учун тўланган тўловлар бюджетда назарда тутилган маблағлар билан бирга мақсадли равишда болалар (тарбияланувчилар)-нинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун йўналтирилиши белгиланган. Тўловлар ҳар ойда тўлови тўланаётган жорий ойнинг 10-санасидан кечикмасдан тўланади.

Мактабгача таълим муассасалари билалар ва интернатлардаги тарбияланувчилар таъминоти учун тўланган тўловлар бюджетда назарда тутилган маблағлар билан бирга мақсадли равишда болалар (тарбияланувчилар)-нинг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун йўналтирилиши белгиланган. Тўловлар ҳар ойда тўлови тўланаётган жорий ойнинг 10-санасидан кечикмасдан тўланади.

Низом билан Мактабгача таълим муассасалари билалар таъминоти учун тўловлар ундирилмайдиган болалар касалликлари рўйхати ҳам тасдиқланган.

Шунингдек мактабгача таълим муассасаларида ва интернатлarda тўловлар ҳисоб-китobi ва уни тўлаш тартиbi, болалар (тарбияланувчилар) таъминоти учун тўловлар ҳисоблаб чиқариш ва маблағларни тушириш бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбогтига оид қоидалар ҳам ўз аксини топган.

**2008 йил 23 февралдан кучга киради.**

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 2 февралдан 15 февралгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 6-7-сони асосида тайёрланди.**

## ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН – ҲАҚИНИ БЕРМАЙДИ

Мамлакатимизда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари бизнес юритувчи-лар йўлида учраётган тўсикларни енгишда катта кўмак беришмоқда. Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-куватлаш маркази (ТФККМ) нодавлат нотижорат ташкилоти шу йўналишдаги энг кенжа ташкилотлардан бириди. Яқинда пойтактимизда ушбу марказ мақсад ва вазифалари муҳокамасига бағишиланган илк давра сұхбати ўтказилди. Тадбирга бир гурух тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот восита-лари ходимлари таклиф этилдилар.

Мухбиримиз ушбу Марказ директори вазифасини бажарувчиси Валентина Рюиковна Котельникова бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

**– Марказнинг мақсад ва вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари ҳакида маълумот берсангиз.**

– Марказимиз Ўзбекистон либерал демократик партияси қошида муйайн вазифаларни алмага ошириш мақсадида Тадбиркор ва иш-билиармон кишилар ҳаракати сифатида 2006 йили ўз фаолиятини бошлаган. 2007 йилнинг 14 ноябрда республика Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилгач, мустақил фаолиятини бошлади.

Тадбиркорлар эркинligini таъминлаш, бизнесменлар йўлидаги тўсикларни бартараф этиш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш марказ фаолиятининг асосий ўзагини ташкил этади. Ташкилот шу мақсадда бир неча йўналишда иш олиб боради. Жумладан, тадбиркор ва фермерлар ҳуқуқини ҳимоя-лайди, уларнинг фаолиятига доир қонунчилик базасини янада яхшилаш учун таклифлар йигади, бизнес структураси фаолиятининг бошқарилиши соҳасида ҳуқуқий актлар мониторингини ўтказади. Мамлакатимизда бизнесни ривожлантиришнинг аниқ тизими ишлаб чи-килган бўлса-да, баъзан меъёрий ҳужжатларга амал қилмасдан тадбиркорларга зарар етказиши ҳолатлари учрайди. Мониторинг ўтказиш орқали қонунбузилишига йўл қўйилаётганлик ҳолатлари кўрсатилиб, уларга амал қилиниши лозимлиги ҳақида огохлантирилади.

Бизнеснинг чекка ҳудуд ва қишлоқларга қарраганди, шаҳарда кўпроқ ривож топтеганини ҳеч кимга сир эмас. Марказимиз жойлардаги вазиятни ўрганиш, шаҳар ва қишлоқларда бизнес структураларини ривожлантириш ва лой-иҳалар ишлаб чиқиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширишга бел болгаган.

Ҳуқуқини билган ҳақини бермайди, дейи-шади. Дарҳақиқат, ўз фаолиятига тааллукли қонун ҳужжатларидан хабардор бўлмаган бизнес соҳиби ўз йўлида маълум қўйинчиликларга дуч келади. Шундай экан, тадбиркор ва фермерларнинг муйян билимларга эга бўлиши уларнинг муаммоларини ечишда кўл келади. Шу тўфайли марказда турли ўқувлар ташкил қилиш режалаштирилган. Бунда бизнес эгаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида ўтибор қаратилиди. Давра сұхбатлари, му-лоқотлар, семинар йигилишлари ўтказилиб, ма-

шғулотларга республика миёсида ном чиқарган ишбилиармонлар, мутахассислар таклиф этилади. Бу йўналишда 50-60 кишидан иборат экспертлар кенгаши ҳам иш олиб боради.

Марказда бошқарув жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилади. Мазкур кенгаши таркиби тадбиркорлик ва фермерликнинг ҳуқуқий базасини яхши билган ва бизнессда катта таҳрибага эга бўлган тадбиркор ва фермерлардан ташкил топган.

**– Марказ ўз фаолияти давомида амалга оширган аниқ ишлар ҳусусида сўзлай ола-сизми?**

– Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида амалга оширилган ишларни мисол тарикасида кўрсатиш мумкин. Маълумки, Сирдарё ГРЭС Ширин шаҳрида жойлашган ва у энергетиклар макони ҳисобланади. У қадар катта бўлмаган, мўъказигина бу шаҳарчада аҳоли учун ҳар жиҳатдан кулаильлар мавжуд. Турар жойлар марказлашган ҳолда ичимлик суви ва иссилик билан таъминланган. Ховос темир йўли шундок шаҳарча ёнидан кесиб ўтган. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри 12, вилоят пойтахти Гулистон 54, пойтахт шаҳар орагидаги масофа эса 130 кмни ташкил қиласи. Бундай имконият турган гапки, тадбиркорлик фаолиятини юритишида кулаильлар тудиради. Аммо, шаҳарчада тадбиркорлар сони кўп эмас, 75 тани ташкил қиласи. Бу ерда бизнесни ривожлантириш борасида кўп муаммолар бор. 2007 йилнинг апрель ойидан бошлаб «Сирдарё-Ширин» ишлаб чиқариш кооперативи билан ҳамкорликда бизнес структурани ривожлантириши йўлларини ўрганишга киришдик. Тадбиркорларнинг аксари-ят қисми шу ширкат аъзолари бўлдилар. Бу ташкилот тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялашга қофалот берадиган бўлди. Аҳоли зич жойлашган гавжум кўчалардан бирида сайлого ташкил қиласи, шаҳарга ўзига хос файз багишлади. Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигидаги 5 йилга мўлжалланган 23 та лойиҳа ишлаб чиқиди. Бугунги кунда ана шу лойиҳанинг 4 таси амалга ошиганди. Масалан, тадбиркор Лайло Холова физиотерапия ва согломлаштириш марказини очиш учун қаровисиз, бўш ётган бинолардан бирини кўркем қиёфага келтирди. Турган гапки, дастлаб унга иш бошлаш осон кечмаганди. Ке-

ракли маслаҳатлар бериш, бинони ҳусусийлаштириш масалаларида марказ унга тегиши ёрдамини кўрсатди. Айни кунда Ширин ахолиси «Баракали зувала» ҳусусий фирмаси нон ва қандолатчилик маҳсулотларидан баҳраманд. Манзура Эшонқуловага ушбу цехни очиш жараёнида банкдан кредит олиш ва нон маҳсулотлари тайёрлаш учун ажратилган жамгарма масалаларида муаммоларни ҳал этишда ўтибор билан ёндашилди.

«Хайдаров Холиқул Қорабековиҷ» ҳусусий фирмаси раҳбари Холиқул Ҳайдаров тадбиркорларга қўмаклашувчилар ҳаракати уларда кўтарилик руҳини ўйғотишни айтди. Ҳусусан, марказнинг ёрдами бизнес аҳли учун зўр мададдир. Айниқса, унинг корхонаси учун қишлоқ ҳўжалиги техникасини ишлаб чиқариши кўпайтириш ва инвестиция киритишга зўр омил бўлди. Унга Россиянинг Самара вилоятидан 15 млн долларлик лойиҳа бўйича инвестиция киритилди.

«Ташмир-Комтекс» ҳусусий фирмаси бошлиги Баходир Тошпўлатов эса ахолига компьютер, раупеят хизмати кўрсатмоқда. Бугун бу тадбиркорнинг ўзига яраша муаммолари йўқ эмас. У марказдагилар билан шу ҳақда ўртоқлашмоқчи.

**– Марказ ўз фаолияти давомида амалга оширган аниқ ишлар ҳусусида сўзлай ола-сизми?**

– Юридик консалтинг компанияси, аналитик ва ташкилий бўйим ҳамда жамоатчилик алоқалари бўйимларини ташкил қилиш биринчи галдаги вазифалардан бириди. Бу тузилмалар тадбиркор ва фермерлардан тушган му-рожаат, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда уларни ҳимоя қилишни бошқа давлат тузилмалари ҳамкорлигидаги кўриб чиқади. Муҳими, ҳар бир мурожаат ва ёндашилган масалалари ўз ечиними топлиши ва маълум натижага эришилиши учун барча имкониятлар ишга со-линади. Марказ ўз фаолияти давомида шерикчилик асосида ишлайди ва оммавий ахборот воситалари билан мунтазам алоқада бўлади.

**Бу нодавлат ва нотижорат ташкилоти тадбиркор ва фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун мухим, фойдалы маслаҳатлар бериши, бу жиҳатдан кўрилаб-теган чора-тадбирлар тадбиркорлик жаб-ҳасига қўмаклашиши, уларнинг фаолияти учун кулаӣ шароитлар яратиши ҳақида умид килса бўлади. Зеро, В.Р. Котельниковнинг таъкидлашича, марказ тадбиркор ва фермерларнинг ўз бизнесларини юритишида елкадош бўлишга ҳамиша тайёр. Марказнинг дебоча сифатида қилинган кичик шаҳар – Шириндаги катта ишлари бунга ёркин мисолидир.**

**Сабоҳат НОРБЎТАЕВА.**

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 19 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисбогтига юритиш, шунингдек божхона ва боши мажбурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматидаги белгилади:<sup>1)</sup>

|                         |         |                       |         |
|-------------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари*    | 1169,47 | 1 Малайзия ринггити   | 400,46  |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2536,50 | 1 Польша злотийси     | 523,76  |
| 1 Дания кронаси         | 253,20  | 1 СДР                 | 2042,36 |
| 1 БАА дирҳами           | 352,82  | 1 Туркия лираси       | 1070,59 |
| 1 АҚШ доллари           | 1295,52 | 1 Швейцария франки    | 1175,93 |
| 1 Миср фунти            | 235,85  | 1 ЕВРО                | 1886,41 |
| 1 Исландия кронаси      | 19,18   | 10 Жанубий Корея вони | 13,71   |
| 1 Канада доллари        | 1295,78 | 10 Япония иенаси      | 120,55  |
| 1 Хитой юани            | 180,27  | 1 Россия рубли        | 52,49   |
|                         |         | 1 Украина гривнаси    | 256,54  |

<sup>1)</sup> Валюта қийматини белгилаш чорига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МДХ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИННИГ АКШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат   | Сана       | АКШ доллари |        | Евро    |        | Россия рубли |        |
|------------|------------|-------------|--------|---------|--------|--------------|--------|
|            |            | бирлиги     | курси  | бирлиги | курси  | бирлиги      | курси  |
| Озарбайжон | 20.02.2008 | 1           | 0,844  | 1       | 1,2422 | 1            | 0,0344 |
| Арманистон | 20.02.2008 | 1           | 310,15 | 1       | 457,22 | 1            |        |

# ТАЛАБГА АСОСАН ТҮХТАТИШ

**?** Яқинда янги йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини вақтинча түхтатиш тартиби ўзгарғанлигини эшишиб қолдим. Эндиликда якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти унинг хошишига кўра қандай тугатилиши ёки вақтинча түхтатилишини билмоқчи эдим.

Хурмат билан Н.Низомова.  
Тошкент шаҳри.

- Амалдаги қонунчиликка кўра якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини ихтиёрий равишда тугатиш унинг рўйхатга олиш органига (тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб саладиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун – давлат солик инспекцияси, қолган тоифалар учун эса – туманлар, шаҳарлар ҳокимларини хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси) тақдим этиладиган аризасига асосан амалга оширилади. Аризага кўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзининг йўқлиги тўғрисида давлат солик хизмати органининг маълумотномаси (давлат солик хизмати органи томонидан якка тартибдаги тадбиркор

Рўйхатга олуви чорининг дав-

йўқ килиш учун топширади. Рўйхатга олуви орган томонидан уларни берган органларга лицензия ва рұксатноманинг топширилиши (улар мавжуд бўлса) якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш бўйича яна бир қадам ҳисобланади.


Шуни унумаслик лозимки, тадбиркорлик субъекти сифатида фаолияти тугатиш жисмоний шахсни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боялиқ кредиторлар олдида мажбуриятларидан озод қилмайди.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, олдиндан бу ҳақда уни давлат рўйхатидан ўтказган органга ариза бериши ва айни вақтда давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномасини топшириши керак. Ушбу ҳужжатларни олгач, рўйхатта олуви орган қонун билан белгиланган шаклда якка тартибдаги тадбиркор солик ҳисобига олинган жойдаги давлат солик хизмати органларига унинг фаолияти вақтинча тўхтатиланлиги тўғрисида ахборот тақдим этади. Ушбу ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширидиган даврда қатъий белгиланган солик ҳисоблаб ёзилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартиба тўхтатган даврда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланмайди ва ушбу давр учун стаж ҳисобга олинмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини ихтиёрий равишда тугатиш (ёки вақтинча тўхтатиш) тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси (373-«Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган соликини кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари» моддаси), Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низом (Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПК-630-сон қарори билан тасдиқланган) ва Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ахратиши тартиби (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августандаги 351-сон қарори билан тасдиқланган) билан белгиланади.

**Жавобни Очил ФАНИЕВ**  
тайёрлади.



мурожаат қилганидан сўнг икки иш кунидан кечиктирмай, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз мавжуд бўлганида эса – улар тўланганидан кейин икки иш кунидан кечиктирмай берилади);

- муҳр ва штамплар (улар мавжуд бўлса);
- барча лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари (улар мавжуд бўлса);
- давлат рўйхатидан ўтказиланлиги тўғрисида гувоҳнома;

- банкларда ҳисобвақарлар очилмаганлиги тўғрисида хат ёки асосий ҳисобвақар өпилганлиги (у мавжуд бўлса) тўғрисида банк маълумотномаси.

Агар тадбиркор субъекти – жисмоний шахс банкларда ҳисобва-

лат реестрига у қабул қилинганидан кейин бир иш куни мобайнида якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги қарори кўлга берилиши ёки почта орқали аризачига жўнатилиши керак.

Давлат реестрига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида ёзув киритилганидан кейин рўйхатга олуви орган бир ҳафта ичидаги давлат солик хизмати органини якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарордан хабардор қиласди. Бундан ташқари, айни вақтда у ички ширлар органига фаолиятини тугатган тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахснинг муҳр ва штампларини (улар мавжуд бўлса)

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

–

# СОЛИК ТҮЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## 2008 ЙИЛ МАРТ (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)



### ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):

5 кунлик (40 соатли) иш хафтасида – 158  
6 кунлик (40 соатли) иш хафтасида – 158  
36 соатли иш хафтасида – 142

### ИШ КҮНЛАРИ СОНИ:

5 кунлик иш хафтасида – 20  
6 кунлик иш хафтасида – 24

**3**

– февраль ойининг III ўн кунлиги учун акциз солигини тұлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– февраль ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан ундириладиган соликни тұлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 304-модда, тұрткынчи қисм).

**5**

– акцизли товарлар алохода турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, үсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиши) тұгрисида маълумотларни тақдим этишнинг сүнгги куни.

**9**\*\*\*\*  
\*\*\*

– февраль ой учун мөхнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича ҳаражатларни қоплашга тўлов кирим қилишнинг сүнгги куни (МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тұгрисида низомнинг 44-банди).

**10**

– февраль ой учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сүнгги куни\* (Солик кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

– февраль ой учун ягона ижтимоий тўловни тұлашнинг сүнгги куни\*\* (Солик кодекси, 310-модда, тұрткынчи қисм).

**13**

– март ойининг I ўн кунлиги учун акциз солигини тұлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– март ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истемолига жисмоний шахслардан ундириладиган соликни тұлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 304-модда, тұрткынчи қисм).

**14**

– март ой учун фойда солиги бўйича жорий тўловни тұлашнинг сүнгги куни\*\*\* (Солик кодекси, 164-модда, учинчи қисм);

– март ой учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича жорий тўловни тұлашнинг сүнгги куни\*\*\*\* (Солик кодекси, 300-модда, бешинчи қисм);

– февраль ой учун Халқ банкига жамғарип бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобваракларига 1 фоиз миқдорида бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топширикномасини тақдим этишнинг сүнгги куни (ЎзР ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғарип бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишини юритиш тартиби тұгрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғарип бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тұгрисида низомнинг 10-банди);

– юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари томонидан молия органларига молиявий натижалар тұгрисидаги ҳисоботни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 3-банди).

\* соликлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;

\*\*) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари иш ҳақи учун пул маблаг-ларини олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади;

\*\*\*) хисобот давридаги кутилаётган солик солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 баробаригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбауда ушлаб қолинадиган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норвентентларнинг даромадларидан фойда солиги бюджетта мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечкиртилмасдан ўтказилади;

\*\*\*\*) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг жорий тўловлари куйидагилар томонидан тўланмайди:

хисобот давридаги солик солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача мидорда бўлган солик тўловчилар томонидан;

ўтган хисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини саклаб туриш бўйича ҳаржатлари суммаси солик солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солик тўловчилар томонидан;

ягона солик тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;

\*\*\*\*\*) кишлоқ ҳўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик солигининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари. Ягона ер солигини тўлашга ўтмаган кишлоқ ҳўжалиги корхоналари соликни ҳисобот йилининг 15 декабрига кадар бир йилда бир марта тўлайдилар;

\*\*\*\*\* мазкур ҳўжат Адлия вазирилги томонидан 2008 йил 21 январда 1761-сон билан рўйхатдан ўтказилган МВ ва ДСҚнинг қарорига мувоффик ўз кучини ўқотди;

\*\*\*\*\*\*) муддатнинг сүнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

Солик тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АХТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

**15**\*\*\*\*  
\*\*\*

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йилнинг январь-декабрь ойлари учун КҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва соликни тұлашнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 29.04.2003 йилда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариладиган ва солидадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кўшилган киймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тұгрисида йўриқноманинг (янги таҳрирда)\*\*\*\*\* 53, 54-бандлари);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йил учун даромад (фойда) солиги бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетта тўлаш тартиби тұгрисида йўриқноманинг\*\*\*\*\* 32-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йил учун мол-мулк солиги ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 11.03.2002 йилда 1107-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетта тўлаш тартиби тұгрисида йўриқноманинг\*\*\*\*\* 18-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йил учун мактаб таълимимини ривожлантириша мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва уларни тұлашнинг сүнгги куни\* (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимимини ривожлантириша мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетта тўлаш тартиби тұгрисида низомнинг 6, 7-бандлари);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ягона ижтимоий тўловнинг, давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар ва бадалларнинг ўсиб борувчи якун билан ҳисобланиши ва тўлаши ҳисоботни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тұгрисида низомнинг 38-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йил учун солиги жамғармасига 2007 йил учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тұгрисида низомнинг 38-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2007 йил учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетта тўлаш тартиби тұгрисида йўриқноманинг\*\*\*\*\* 33-банди);

– вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкими бошқарувчи бошқа органлар томонидан 2007 йил учун тақдим этилган ҳисоб-китоб бўйича мол-мулк солигини тұлашнинг сүнгги куни (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тұгрисидаги низомнинг 1-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 13.03.2002 йилда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган соликни ҳисоблаб чиқари





# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни**

- «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ:**

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактаблар ўқитувчилари, болалар уйлари тарбиячиларига бериладиган қўшимча имтиёзлар, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги ПФ-93-сонли Фармонини қисман ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»;

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

- «Тошкент шаҳрини йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРЛАРИ:**

- «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942-сон Фармони);

- «Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга сотиш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 19 октябрдаги 232-сон қарорига ўзгаришиш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон қарори)».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

- ЎзР ДБКнинг «Божхона қонунчилигини бузган шахсларни маъмурий ушлаб туриш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг СОЛИҚ КОДЕКСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРим Қонун ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРим Қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъкулланган.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 52-сон, 533-модда)

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **32-моддасининг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ сурурта бадаллари хисобланадиган иш ҳақининг барча турлари пенсияларни хисоблаб чиқариш учун иш ҳақига қўшилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги 154-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда) **12-моддаси** чиқариб ташлансан.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-

12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсун:

1) **34-боб 6-параграфининг номидаги «(молиявий ижара)»** деган сўзлар чиқариб ташлансан;

2) **590-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг тўлови лизинг берувчига лизинг обьекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли даромадидан иборат бўлади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда) **56-моддасининг биринчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

\*Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси «СБХ-Норма маслаҳатчи» газеталарининг 1-5-сонларида эълон қилинди.

«Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соғ фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлари хисобидан тўланиши мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда) **21-моддасининг учинчи қисмидаги** «Давлат божи ҳақидаги қонун ҳужжатларида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Бож тарифи тўғрисида**»ги 470-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 322-модда, № 9, 419-модда) **33-моддасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

#### 1) биринчи қисмининг:

**ўн тўққизинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси худудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик жиҳозлар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик жиҳозларни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик жиҳоз олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил ичida экспортга реализация қилинган ёки бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёзлар кўлланилган бутун давр учун бож тўлаш мажбуриятлари тикланган ҳолда бекор қилинади»;

**Йигирманчи – йигирма тўртингчи хатбошилари** чиқариб ташлансин;

**Йигирма бешинчи хатбошиси йигирманчи хатбоши** деб хисоблансин;

#### 2) иккинчи қисми

**учинчи – бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи – тўртингчи қисмлар** деб хисоблансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солик хизмати тўғрисида**»ги 474-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) **7-моддасига** куйидаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилсин:

1) **иккинчи қисмдаги** «ва бошқа молия-кредит ташкилотлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

#### 2) тўртингчи қисм:

**биринчи хатбоисидаги** «ва бошқа молия-кредит ташкилотлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **11-банд** билан тўлдирилсин:

«11) қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат солик хизмати органларига бошқа ахборотни ҳам тақдим этадилар»;

3) **бешинчи қисмдаги** «ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **олтинчи қисмдаги** «ва бошқа молия-кредит ташки-

лотининг» ҳамда «ва бошқа молия-кредит ташкилотидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **28-моддасининг тўртингчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади. Ижара ҳақи ер солигига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган шахслар ер учун ижара ҳақини ер солиги тўловчилар учун белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўлайдилар».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда) **14-моддаси** чиқариб ташлансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **23-моддаси** чиқариб ташлансин.

